

№ 1-52
9-хн 2013

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ



2012 йил 19-30 декабрь даврида қабул қилинган, тақдим этилаётган, шунингдек бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

САЙЛОВ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАБ

Ўзбекистон Президенти 19 декабрда «Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, район ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Қонунни (ЎРҚ-340-сон) имзолади. Тузатишлар сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ривожлантиришни давом эттиришга қаратилган.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш пайтида кузатувчилар ваколатлари кенгайтирилди. Илгари назарда тутилган сайлов участкаларини жойлаштириш объектларига қамоқда сақлаш жойлари қўшилди. Ташвиқот ўтказишнинг чегараланган муддатига тузатиш киритилди – уни нафақат сайлов куни, балки **сайловга бир кун қолганда** ҳам ўтказиш мумкин эмас. Сайловолди ташвиқоти сиёсий партиянинг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни ўзининг депутатликка номзодларини ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш; депутатликка номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш; омма олдида мунозаралар, баҳслар, дебатлар, конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисидаги роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

Тузатишлар билан сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи **муддатидан олдин овоз бериш** ҳуқуқига эга. У сайловга 10 кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади. Овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шу жумладан, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғига) жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Қонун «Халқ сўзи» газетасида расмий эълон қилинган кун – 2012 йил 20 декабрдан эътиборан кучга кирди.

ТЕЗКОР ҚИДИРУВ ЖАМИЯТ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИДА

Ўтган йил охирида «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонун (25.12.2012 йилдаги ЎРҚ-344-сон) матбуотда эълон қилинган эди, унда тезкор-қидирув фаолияти тартиби белгиланган. Қонун 2013 йил 26 декабрда кучга киради. Шунингдек эътиборини қаратишимиз керакки, шу пайтгача мазкур соҳа жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни таъминловчи манфаатдор хизматлар ўз фаолиятида фойдаланадиган ҳужжатлар билан тартибга солинган.

Қонун билан шахс, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига ҳуқуққа зид равишда аралашувлардан ҳимоя қилиш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятини фақат давлат органлари: ИИБ, МХХ, ДБҚ ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг ваколатли тезкор бўлинмалари **амалга оширишлари** рухсат берилган. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг бирон-бир юридик шахсининг, шу жумладан, сиёсий партиянинг, диний ташкилотнинг ёки бошқа нодавлат нотижорат ташкилотининг, шунингдек жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиши тақиқланади.

Бунда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг жиноят ишлари бўйича ваколатлари Жиноят-процессуал кодексининг (ЖПК) 43-бобидан белгиланган терговга тегишлиликка мувофиқ чекланган. Чунинчиси, прокуратура органлари иш юритишда бўлган жиноят ишлари бўйича тезкор-қидирув тадбирлари фақат терговчининг ёзма топшириғи, прокурорнинг кўрсатмаси ва топшириғи асосида ўтказилади.

Қонунийлик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этишга доир конституциявий ва процессуал принциплар билан бир қаторда Қонун билан конспирация, ошқор ва ноошқора усуллар уйғунлиги тушунчалари жо-


рий этилган. Бироқ шу тариқа олинган ахборотдан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини чеклаш учун фойдаланиш мумкин эмас.

Тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш давомида ваколатли хизматлар ЖПК ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш соҳасини тартибга солинадиган бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар билан бир қаторда эндиликда махфийлик асосида кўмаклашиш истагини билдирган шахслар билан пулли ёки бепул ҳамкорлик ўрнатиш; юридик ёки жисмоний шахсларнинг розилиги билан уларга тегишли бошқа мол-мулкдан фойдаланиш; махсус билимларга эга бўлган мутахассислар ёрдамидан фойдаланиш; видео- ва аудиоёзув, кино- ва фотосуратга олиш воситаларини, шунингдек хавфсиз бошқа техника воситаларини қўллаш; тезкор-қидирув учун мўлжалланган ахборот тизимларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Депутатлар, сенаторлар, судьялар, прокурорлар, адвокатларнинг ваколатли органлар билан махфийлик асосида ҳамкорликка жалб қилиниши тақиқланади.

Тезкор-қидирув тадбирларининг турлари санаб ўтилди. Сўров, қиёсий текширув учун намуналар йиғиш, предметлар ва ҳужжатларни текшириш каби анъанавий процессуал ҳаракатлар билан бир қаторда текшириш учун харид қилиш, назорат остида олиш, алоқанинг техник каналларидан ахборот олиш, тезкор киритиш тушунчалари жорий этилди. Бундан ташқари, ваколатли органлар давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлардан фойдаланиш ёхуд ўта муҳим ва тоифаланган объектларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ ишларга рухсат бериш тўғрисида қарорларни қабул қилиш учун зарур маълумотларни тўплашга ҳақли.

Ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, почта жўнатмалари, телеграф хабарлари ҳамда алоқа тармоқлари орқали узатиладиган бошқа хабарлар сир сақланиши ҳуқуқларини, шунингдек уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқини чекловчи тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилишига прокурор санкцияси асосида йўл қўйилади. Фақат кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда уларни ўтказишга йўл қўйилади, прокурор бу ҳақда йигирма тўрт соат ичида албатта хабардор қилинади. Бунда йигирма тўрт соат ичида прокурорнинг санкцияси олинмаса, тадбир ўтказиш тугатилиши шарт. Ушбу ҳаракатларнинг ҳаммаси жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлаш учун ҳақиқий маълумотларни бошқа йўл билан олиш имкони бўлмаса, истисно чоралар деб қаралиб, уларни амалга оширишга фуқароларнинг аризасига ёки ёзма розилигига кўра рухсат этилади.

Текшириш учун харид қилиш, назорат остида олиш, тезкор кузатув, тезкор киритиш, назорат остида етказиб бериш, ниқобланган операциялар, тезкор эксперимент тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳ-



Шу сонга ҳужжат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

2013 ЙИЛГИ ИШ ВАҚТИ ДАВОМИЙЛИГИ ЎЗГАРИШИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.12.2012 йилдаги «Янги йил байрами муносабати билан дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги ПҚ-1886-сон қарорига мувофиқ Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 31.10.2012 йилда 02-05/3107-сон билан белгиланган 2013 йилги иш вақти давомийлигига қуйидаги ўзгартиришлар киритилмоқда:

Беш кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида иш вақти давомийлиги қуйидагиларни ташкил этади:

январь учун – 168 соат;
1-чорак учун – 478 соат;
1-ярим йиллик учун – 989 соат;
9 ой учун – 1507 соат;
йил учун = 2017 соат.
Олти кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида иш вақти давомийлиги қуйидагиларни ташкил этади:
январь учун – 167 соат;
1-чорак учун – 483 соат;
1-ярим йиллик учун – 995 соат;
9 ой учун – 1512 соат;
йил учун = 2022 соат.
Олти кунлик (36 соатли) иш ҳафтасида

иш вақти давомийлиги қуйидагиларни ташкил этади:
январь учун – 150 соат;
1-чорак учун – 436 соат;
1-ярим йиллик учун – 897 соат;
9 ой учун – 1362 соат;
йил учун = 1821 соат.
Беш кунлик иш ҳафтасида иш кунлари сони қуйидагиларни ташкил этади:
январь учун – 21 кун;
1-чорак учун – 60 кун;
1-ярим йиллик учун – 124 кун;
9 ой учун – 189 кун;
йил учун = 253 кун.

Олти кунлик иш ҳафтасида иш кунлари сони қуйидагиларни ташкил этади:
январь учун – 25 кун;
1-чорак учун – 73 кун;
1-ярим йиллик учун – 150 кун;
9 ой учун – 228 кун;
йил учун = 305 кун.
Б.АЛИМУҲАМЕДОВ,
вазирнинг биринчи ўринбосари.
7.01.2013 йил
02-05/29-сон.

1-бетда

бари томонидан тасдиқланган қарор асосида ўтказилади. Текшириш учун харид қилиш, назорат остида олиш ва назорат остида етказиб бериш эса прокурор билан албатта келишилган ҳолда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали предметларни олиб ўтишга (олиб кириш, олиб чиқиш, транзит) йўл қўйилмайдиган назорат остида етказиб бериш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилган ҳолда ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида амалга оширилади.

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фақат тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш учун фойдаланилади, улар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг далиллар сифатида эътироф этилиши мумкин. Унинг материаллари жиноят иши кўзга тушириш учун асос бўлиши, жиноят иши ўз юритувида бўлган суриштирув, тергов органларига, прокурорга тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун тақдим этилиши, шунингдек бу материаллардан Ўзбекистон Республикаси ЖПК нормаларига мувофиқ жиноят ишлари бўйича исбот қилишда фойдаланилиши мумкин.

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш натижалари ҳақидаги маълумотлар давлат сирини ташкил этади ҳамда ваколатли орган раҳбарининг қарори асосида ошкор этилиши лозим. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ходимлари, шунингдек уларга кўмаклашаётган шахслар давлат химоясида бўлади. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари ва уларнинг оила аъзолари хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек уларнинг мол-мулкни химоя қилиш мақсадида махсус чора-тадбирлар назарда тутилади.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органнинг уюшган жиноий гуруҳ, жиноий уюшма орасига уларни фош қилиш мақсадида киритилган ходими қонунда белгиланган тартибда қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, қонунга хилоф қилмишлари учун жиноий жавобгарликдан озод этилади. Ваколатли органларга махфийлик асосида кўмаклашаётган шахслар ушбу органлар маблағлари ҳисобидан ажратилган белгиланган миқдорларда тақдирланиш ва уларга нисбатан махсус химоя чоралари кўрилиши ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг қарорлари, мазкур органлар ходимларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, прокурорга ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

ЗАРАР ҚОПЛАНСА ОЗОДЛИККА ИЛГАРИРОҚ ҚЎЙИБ ЮБОРИЛАДИ

4 январда «Халқ сўзи» газетасида 2012 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-345-сон Қонун эълон қилинди. У билан «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонунларга, Жиноят, Жиноят-процессуал, Солиқ ва Божхона кодекслари – Ўзбекистон Республикасининг жами 21 қонун ҳужжатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, қонун ҳужжатларини либераллаштириш Жиноят кодексига янгиликлар киритилишини тақозо этди. Уларга мувофиқ Кодекснинг 180 (сохта банкротлик), 181 (банкротликни яшириш), 189 (савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш), 191-(қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш) моддаларида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс айбини таъ олган, жабрланувчи билан

ярашган ва етказган зарарини қоплаган бўлса, жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Шунингдек банклар ва бошқа молия ташкилотлари ходимлари тадбиркорлик субъектлари ушбу ташкилотлар кўрсатган хизматлар, шу жумладан, берилган кредитлар юзасидан шартнома мажбуриятларини тадбиркорлик таваккалчиликлари ҳамда бошқа тижорат таваккалчиликлари билан боғлиқ ҳолда бажармаганда жиноий жавобгарликка тортилишдан озод этилади.

ЖКнинг 78-моддасида назарда тутилган судланганлик ҳолатининг тугалланиши муддатлари қисқартирилди. Давлатга жуда катта зарар етказилмаган тақдирда суд хорижий валютани яшириш, сохта тадбиркорлик, сохта банкротлик, банкротликни яшириш, божхона ёки монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш, солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, қимматбаҳо металллар ёки тошларни топшириш, қимматбаҳо металллар, уларнинг синиқлари ва чиқиндиларини тайёрлаш, сотиб олиш, фойдаланиш ва сотиш қоидаларини бузиш, электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидалари, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш, қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш, рақобатчини обрўсизлантириш учун ҳукм қилинган шахсларнинг судланганлиги муддатининг камида тўртдан бир қисми ўтганидан кейин суд томонидан олиб ташланиши мумкин.

Тегишинча, киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, масалан, худди шу қилмишлар учун маъмурий жазо чораси қўлланганидан кейин содир этилган савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганлик учун (ЖКнинг 189-моддаси биринчи қисми); худди шу қилмишлар учун маъмурий жазо чораси қўлланганидан кейин содир этилган лицензияланадиган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан туриб шуғулланганлик учун (ЖК 190-моддасининг биринчи қисми) жарима тўланганидан ёхуд муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш ёки ахлоқ тузатиш ишларига жалб этиш кўринишида жазо ўтаб бўлинганидан кейин 3 ой ўтган судланганлик суд томонидан олиб ташланиши мумкин. Илгари у камида бир йилдан кейин тугалланар эди.

Куйидагиларнинг миқдори ва зарарини белгилловчи атамаларнинг янги ҳуқуқий маънолари берилди:

Атама	ЎРҚ-345-сон Қонун билан белгиланган миқдор	Илгари амал қилган миқдор
Анча миқдор (зарар)	ЭКИХнинг 100 бараваридан 300 бараваригача	ЭКИХнинг 30 бараваридан 100 бараваригача
Кўп миқдор (зарар)	ЭКИХнинг 300 бараваридан 500 бараваригача	ЭКИХнинг 100 бараваридан 300 бараваригача
Кўп бўлмаган зарар	ЭКИХнинг 30 бараваридан 100 бараваригача	ЭКИХнинг 10 бараваридан 30 бараваригача
Жуда кўп миқдор (зарар)	ЭКИХнинг 500 баравари ва ундан ортиқ	ЭКИХнинг 300 баравари ва ундан ортиқ

Жиноят-процессуал кодексга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ Жиноят кодексининг 167 (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш), 170 (алдаш ёки ишончли суистеъмом қилиш йўли билан мулккий зарар етказиш), 172 (мулкни кўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш), 173-(мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш) моддаларида назарда тутилган ва устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахсга нисбатан унинг ходими томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари фақат мазкур юридик шахс раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра кўзга тутилади.

АКТ РИВОЖЛАНИШИ УЧУН ЖАМҒАРМА

Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси Алоқа,

ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар технологиялари давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» қарорини (23.10.2012 йилдаги ПҚ-1836-сон) бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасини янада ривожлантириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш тўғрисида»ги қарори (19.12.2012 йилдаги 356-сон) билан:

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом;
Жамғарма бошқаруви аппарати тузилмаси;
Жамғарма Кенгаши таркиби тасдиқланди.

Низомга мувофиқ Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси алоқа, ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида устувор ва ижтимоий аҳамиятга молик бўлган лойиҳалар, илмий-тадқиқот ишларини маблағ билан таъминлаш мақсадида ташкил этилади. Жамғарма маблағлари куйидагилар ҳисобига шакллантирилади:

телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилганлиги учун давлат божи тўлашдан тушувчи маблағларнинг 50 фоизи;

2018 йил 1 январгача абонент рақамидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан тушган маблағларнинг 30 фоизи;

мулкчилик шакллари ва идоравий бўйсунушидан қатъи назар алоқа соҳасида фаолиятни амалга ошираётган юридик шахслардан жарима жазолари сифатида ундириладиган маблағларнинг 45 фоизи;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини банк депозитлари шаклида ва бошқа шаклларда жойлаштиришдан тушган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек халқаро ташкилотларнинг хайрия эҳсонлари.

Низом билан Жамғарма маблағларидан фойдаланиш ва уларни ажратиш масалалари тартибга солинади. Унда Жамғарманинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уни бошқариш тартибини белгилловчи меъёрлар ҳам мавжуд.

ҲАР БИР УЙДА ЗАМОНАВИЙ СУВ ҲИСОБЛАГИЧЛАРИ ЎРНАТИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 30.11.2012 йилдаги 337-сон қарори билан 2013–2015 йилларда Ўзбекистон Республикасидаги сув таъминоти ва канализация тизимларини келгусида комплекс ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. У билан сув таъминоти ва канализация ташкилотларининг иш самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар (бундан кейин – Комплекс чора-тадбирлар) ҳамда 2013–2015 йиллар даврида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш дастури (бундан кейин – Дастур) тасдиқланди.

Жами 18 банддан иборат Комплекс чора-тадбирларга, хусусан, сув таъминоти ва канализация секторидаги коммунал хизматлар маълумотлар базасининг ҳолатини ўрганиш; истеъмомчилар ҳисоби юритилмайдиган автоматлаштирилган «Биллинг тизими»ни жорий этиш; ягона стандартлар бўйича ҳар бир коммунал хизмат учун мижозларнинг маълумотлар базалари ва биллинг тизимларини барпо этиш киради.

Бундан ташқари, сув чиқариш иншоотлари ва тақсимловчи қувурлар тармоқланадиган жойларда сув ҳисоблагичлари (сарфиёт ўлчагичлари); турар жой фондида сув ҳисоблагичлари ва кўп квартиралар ўрнатиш; шунингдек Тошкентда «Сув таъминоти ва канализация секторидаги коммунал хизматлар истеъмомчиларининг ҳисобини юритувчи ягона автоматлаштирилган тизим» пилот лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш назарда тутилмоқда.

УШБУ
СОНДА:

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- 2013 йилги иш вақти давомийлиги ўзгариши ҳақида

1-3-бетлар

✓ БИЗНИНГ МАСЛАХАТЛАР

- Фермер нақд пулга кўчат сотиб олмақчи
- Фойда устав фондига йўналтирилганда

- Савдо дўконидаги энг кам меъёр қанча?

- ЭКИХ динамикаси

- Тузатувчи бухгалтерия ёзувларини киритишингиз мумкин

- Чегириладиган харажатга ҚҚС ҳисобланмайди

- Ҳамкорингизнинг талаби асоссиз

- Даромад солигининг минимал ставкаси учун асос керак

4-6-бетлар

✓ ЮРИДИК МАСЛАХАТЛАР

- Биометрик янгилик

- Никоҳ тузиш шартларини билган яхши

7-бет

✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ

- Энди фамилиям бошқа

- Шартномасиз ҳеч қандай синов муддати белгиланмайди

8-бет

ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Комплекс чора-тадбирларда сув таъминоти ва канализация ташкилотларини молиявий жиҳатдан соғломлаштириш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш мақсадида **даъво материалларини хўжалик ва фуқаролик судларига топшириш ишларини фаоллаштириш** режалаштирилган.

Сув таъминоти ва канализация секторидида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш учун:

коммунал сув таъминоти ва канализация тизимларидан фойдаланиш қоидалари;

улардан техник жиҳатдан фойдаланиш қоидалари;

сув таъминоти ва канализация ташкилотлари ходимлари меҳнатини меъёрлаштириш тартиби тўғрисида низом;

ушбу соҳада технологик эҳтиёжларга электр энергияси сарфи меъёрларини белгилаш тартиби;

умумий уй сув ҳисоблагичлари мавжуд бўлганда турар ва нотурар жойлар мулкдорлари билан фойдаланилган ичимлик сувини ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисида низом ишлаб чиқиши ва тасдиқланиши лозим.

Энергия тежовчи технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари натижасида **маънан эскирган ва энергия сарфи катта бўлган насос ускуналари аниқланиши, шунингдек электр энергияси сарфи қисқариши ҳисобига сув таъминоти хизматлари таннари пасайиши** керак.

Қўшимча ҳақ ўқувчилар сонига боғлиқ бўлади

Президентнинг ПҚ-1887-сон қарори билан **Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (21.12.2005 йилдаги 275-сон) ўзгартиришлар киритилди.**

2013 йил 1 январдан умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига қўшимча тўловлар синфдаги ўқувчилар сонига қараб табақалаштирилади. Чунончи, 15 нафаргача ўқувчи таълим оладиган кичик комплекти синфда дафтарларни текширганлик учун қўшимча тўлов ЭКИХнинг 25%ини, оддий синфда эса илгаригидек 50%ини ташкил этади; 15 нафаргача ўқувчилар бўлган синфда синф раҳбарлиги учун ЭКИХнинг 50%ини, 20 нафаргача бўлганда 60%ини, 25 нафаргача бўлганда 70%ини, 30 нафаргача бўлганда 80%ини, 31 нафардан ортиқ бўлганда 100%ини ташкил этади.

ҚАРЗ ҲИСОБИГА УНДИРУВНИ МОЛ-МУЛККА ҚАРАТИШ ШАРТЛАРИ

Президентнинг ПҚ-1887-сон қарори билан **солиқ тўловчининг мол-мулки ҳисобига солиқ қарзини ундириш имкониятлари чекланган.**

2013 йил 1 январдан юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари солиқ қарзи ЭКИХнинг камида 20 бараварини ташкил этса (бугунги кунда ушбу сумма 1 591 800 сўмга тенг); жисмоний шахслар учун – ЭКИХнинг 5 бараваридан ортиқ (397 950 сўм) бўлса, солиқ органлари ушбу ҳуқуқдан фойдаланишлари мумкин.

СКнинг 65-моддасига мувофиқ солиқ органлари даъво аризаси асосида ёки хўжалик судига суд буйруғи чиқариш ҳақида ариза берган ҳолда ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратишга ҳақлилар.

АКТ БЎЙИЧА БОШҚАРУВЧИ

Вазирлар Маҳкамасининг 19.12.2012 йилдаги 355-сон қарори билан **Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси тўғрисидаги низом ҳамда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисидаги низом тасдиқланди.**

Давлат қўмитаси тўғрисидаги низомда Қўмита мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва фаолиятининг ташкилий асослари белгиланган.

Қўмитанинг асосий вазифалари қуйидагилардир: алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш; соҳада қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; соҳанинг ривожланиши ва самарали ишлаши устидан давлат бошқаруви ва назоратини амалга ошириш; давлат

ахборот ресурсларини шакллантириш, сақлаш ва фойдаланишнинг ягона тизимини яратиш; Интернет тармоғи миллий сегментини янада шакллантиришни таъминлаш, мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган замонавий веб-ресурсларни яратиш; ахборот хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон рақамли имзодан фойдаланиш, чет эл оммавий ахборот воситаларининг телерадиомаҳсулотларини тарқатиш соҳасини тартибга солиш; хўжалик юритувчи субъектлар томонидан лицензия битимларининг бажарилишини назорат қилиш ва бошқалар.

Уларни ҳал этиш учун Қўмитага тегишли функцияларни амалга ошириш ваколати берилган. Хусусан, у умумий техник регламентлар ва давлат стандартларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун тақдим этади; радиочастота спектрини тақсимлаш, ундан фойдаланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади; ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун чет эл инвестицияларини жалб этишда инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишда иштирок этади; шу соҳада фаолиятнинг алоҳида турларини лицензиялашни амалга оширади; телефонларни рақамлаш режаси ва тизимини, почта тўлови давлат белгиларининг намуналарини, почта индексларини, ёзма хат-хабарларни олиб қўйиш частоталари нормативларини тасдиқлайди; махсус дастурий маҳсулотларнинг мажбурий экспертизасини ўтказишни ташкил этади, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг улардан фойдаланишлари учун рухсатнома беради; дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишни ташкил этади ва уларни иқтисодиёт тармоқларида жорий этади; электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатдан ўтказиш марказларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг ваколатли шахсларига электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатларини беради; электрон рақамли имзолар калитлари сертификатлари ягона давлат реестрини юритади.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг асосий вазифалари қуйидагилар устидан давлат назоратини амалга ошириш ҳисобланади:

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари, техник регламентлар талабларига риоя этилиши; ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланишнинг ривожлантирилиши; иш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш самарадорлиги; малакали кадрлар билан таъминланиши; электрон рақамли имзо соҳасида қонун ҳужжатларига риоя этилиши; жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан ички назорат тизими жорий этилиши ва бошқалар.

Инспекция ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий босма нашрларни тарқатиш соҳасида фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектларда текширишлар ўтказиш ва уларга нисбатан иқтисодий жазо чораларини қўллаш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан зарур ахборот, ҳужжатлар, маълумотномалар ва бошқа материалларни сўраш ва олиш; хўжалик юритувчи субъектларнинг айрим қурилмалари ва технологик участкалари ишини вақтинчалик тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилиш; нормалар ва радионурланишларнинг параметрлари бузилганда юқори частотали қурилмалар ва радиоэлектрон воситалардан фойдаланишга рухсатномаларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва бошқалар.

БОЖХОНА ҚИЙМАТИ ШАКЛЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛДИ

Давлат божхона қўмитасининг қарори (АВ томонидан 15.12.2012 йилда 920-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан **Божхона қийматини тўғрилаш БҚТ-1 ва БҚТ-2 шакллари тўлдириш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритилди.**

Товар эркин муомалага чиқарилган ёки Ўзбекистон

Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқилгандан кейин кўрсаткичларни тўғрилаш мумкин бўлган ҳолатлар рўйхатига тузатиш киритилди. Янги рўйхатда кейинчалик текширув ўтказганда аниқланган ва савдо битими ҳолатлари ўзгарганда (товарнинг бир қисми бошқа шахсга берилганда ва ҳ.к.) нотўғри декларациялаш ҳолатлари қайд этилмаган. Рўйхатга БЮДда хатога йўл қўйилганлиги натижасида ундирилаётган божхона тўловлари суммалари ўзгарганда кўрсаткичлар тўғриланганда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридаги Давлат божхона қўмитаси бош-қармаси, «Тошкент АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплексининг доимий фаолият кўрсатувчи комиссиясининг хулосасини олиш талаби қўйилган меъёр киритилган.



Низомга қўшимча қилинган меъёрга кўра декларант божхона органининг тузатишига қўшилмаганда божхона органи ходими қайта ҳисоблаган товарларнинг божхона қиймати кўрсатилган БҚТ-1 асосий варағига имзо қўймаслик **ҳуқуқи берилди.** Бунда декларант божхона қиймати тўғриланишига асос бўлган сабабларни тушунтиришни сўраб божхона органига ёзма мурожаат этишга ҳақли. Бироқ декларантнинг божхона органига ёзма сўров юборгани уни божхона тўловларини тўлашдан озод қилмайди.

2012 йил 25 декабрдан кучга кирди.

АВТОТРАНЗИТ ТАҚИҚЛАНДИ
Вазирлар Маҳкамасининг 26.12.2012 йилдаги 362-сон қарори билан 2013 йил 1 январдан бошлаб **Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали автомобиль транспортида суюлтирилган газ (ТИФ ТН коди – 2711) транзити тақиқланди.** Ушбу чора давлат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини, аҳолининг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида қабул қилинди.

2012 йил 25 декабрдан кучга кирди.

ЭКСПОРТЧИЛАРГА ЁН БОСИБ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг қарори (АВ томонидан 28.12.2012 йилда 954-6-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан **Ваколатли банкларда экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга қўйиш ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.** Хусусан, ваколатли банклар эндиликда Ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимига ўз вақтида ва ишончли ахборотни киритишлари шарт.

Тузилган шартномалар (контрактлар) бўйича валюта тушуми ҳисоб-китоби ва келиб тушиши ҳақидаги маълумотномаларни беришни тартибга солувчи меъёр Низомдан чиқариб ташланди. Экспорт контрактларини ҳисобдан чиқариш ҳолатлари рўйхатига экспортчи корхонани тугатиш ҳам киритилди.

2013 йил 1 январдан кучга кирди.

Давлат божхона қўмитасининг қарори (АВ томонидан 30.12.2012 йилда 834-23-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Улар билан юридик шахслар экспорт божхона режимига жойлаштирадиган товарларни божхонада расмийлаштиришда ваколатли банклар берган ҳисоб-китоблар ҳақидаги маълумотномани тақдим этиш талаби бекор қилинди.

2013 йил 1 январдан кучга кирди.

Бир қатор устунларга тузатиш киритилди. Чунончи, 40-устунда илгари назарда тутилган ахборотдан ташқари қуйидагилар кўрсатилади: аввалги декларациянинг 32-устунида кўрсатилган товар рақами; унинг килограммдаги брутто ва нетто оғирлиги; қўшимча ўлчов бирлигидаги миқдори (агар мавжуд бўлса); ТИФ ТНга мувофиқ қўшимча ўлчов бирлигининг шартли белгиси (агар мавжуд бўлса).

Агар товар аввалги бир нечта декларациялардан расмийлаштирилса, ҳар бир маълумот алоҳида янги устунда кўрсатилади.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг қисқача шарҳларини эксперт-юристаримиз Елена ЕРМОХИНА, Римма СОЛОДОВНИКОВА, Сардор ЖУМАШОВ тайёрладилар.

ФЕРМЕР НАҚД ПУЛГА КЎЧАТ СОТИБ ОЛМОҚЧИ

Фермер хўжалиги товар-моддий харажатлар (маҳаллий гўнг, кўчат, уруғ ва ҳ.к)ни пул ўтказиш йўли билан ололмайди. Чунки пул ўтказиш йўли билан олувчи ташкилотнинг ўзи йўқ. Шунинг учун хўжалик раҳбари бу товарларни нақд пулга харид қилиб олиб, уни кирим қилади. Ушбу нақд пул маблағини банкдан олишнинг имкони борми? Мазкур операция бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилади? Фермер хўжалиги ягона ер солиғи тўловчиси ҳисобланиб, бюджетдан ташқари жамғармаларга реализациянинг 3,5%ида солиқ тўлайди. Агар фермер хўжалиги бошқа фаолиятдан (яъни муддати ўтган дебитор ва кредиторларни ҳисобдан чиқариш йўли билан) даромад кўрса, қандай солиқ тўлаши керак?

Фермер хўжалиги раҳбари.

– Авваламбор айтиш керакки, сиз юқорида санаб ўтган товарларни пул ўтказиш йўли билан ҳам олса бўлади. Агар сизнинг иш фаолиятингизга зарур бўлган бошқа материалларни ҳақиқатан ҳам пул ўтказиш йўли билан олишнинг иложи бўлмаса, унда сизга хизмат кўрсатаётган банкка мурожаат қилиб, фермер хўжалигининг бошқа

эҳтиёжлари учун маблағни нақд пул шаклида ёки корпоратив пластик карточка орқали олиш мумкин. Шундан кейин бу товар кирим қилинади. Бунда товарни олдин олиб, кейин банкдан пул талаб қилиш нотўғри бўлади. Бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул чекланмаган миқдорда олиниши мумкин, фақат бу маблағга олинган материалларни корхона

балансига кирим қилишингиз ва уларни кейинчалик ҳужжатлар билан асослаб қўйишингиз керак бўлади.

Бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул олишда банк томонидан чекловлар қўйилиши мумкин эмас. Акс ҳолда банк ўз устав сармоёси белгиланган энг кам миқдорининг 0,005 фоизи миқдоридан жарима тўлайди*.



Маълумки, Солиқ кодексининг (СК) 363-моддасида ягона ер солиғини тўлаш тартибини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари келтирилган. Жумладан, ягона ер солиғини тўловчилар учун СКнинг 132-моддасида назарда тутилган бошқа даромадларга солиқ солинмайди, дивидендлар ва фоизлар, биргаликдаги фаолиятдан олинган даромадлар бундан мустасно. Солиқ кодексининг 132-моддасида эса бошқа даромадларга товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган операциялардан олинган даромадлар киритилиб, улар ичига СКнинг 136-моддасига мувофиқ мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан

олинадиган даромадлар ҳам қўшилган. Улар қуйидагилардан иборат:

– фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ даъво муддати ўтган ҳисобдан чиқарилган мажбуриятлар;

– суднинг ёки ваколатли давлат органининг қарорига биноан ҳисобдан чиқарилган мажбуриятлар.

Бунда солиқ тўловчининг, бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари олдидаги қарзининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобдан чиқарилган суммалари даромад таркибига киритилмаслиги ҳам белгилаб қўйилган.

Жавобни экспертими
Умидбек САФАРОВ
тайёрлади.

Корхона эҳтиёжлари учун нақд пулга сотиб олинган хом ашёнинг бухгалтерия ҳисоби қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
1	Хом ашё (кўчат) харид қилиш учун банк ҳисобрақамидан нақд пул олинди	5010	5110
2	Хом ашё (кўчат) харид қилиш учун газнадан ҳисобдор шахсга пул берилди	6970	5010
3	Хом ашё ҳисобдор шахс ҳисобидан сотиб олинди	1010	6970
4	Олинган хом ашё ишлаб чиқаришга ишлатилди	2010	1010

*30.06.2001 йилда АВ томонидан 1044-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ҳисобварақлар очиш, мижозлар ҳисобварақларига маблағ ўтказиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонунларда назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул бериш тартиби бўйича белгиланган талабларни бузганлик учун тижорат банкларига нисбатан жарима жазо чораларини қўллаш тартиби тўғрисида низомнинг 5-банди.

ФОЙДА УСТАВ ФОНДИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАНДА

Бугунги кунда корхонамиз устав капитали тўлиқ шакллантирилган. Корхона таъсисчилари ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдасини устав капиталини кўпайтиришга йўналтириш тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкинми? Бу операция бухгалтерияда қандай ифодаланади ва бунда солиқ солинадими?

Саттор Бердикулов,
МЧЖ таъсисчиси.
Косонсой тумани.

– Ҳа, корхона муассислари (иштирокчилари) ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдасини устав капиталини кўпайтиришга йўналтириш тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин.

Шуни қайд этиш лозимки, устав капиталини кўпайтириш тўғрисида ёзув таъсис ҳужжатларидаги ўзгариш белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан кейин амалга оширилади.

Устав капиталини ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан кўпайтириш 21-сон БҲМСга кўра бухгалтерияда қуйидагича акс эттирилади:

Дебет	Кредит
8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»	8300-«Устав капитали»

Солиқ кодексининг (СК) 22-моддасига асосан дивидендлар деганда акциялар бўйича тўланиши лозим

бўлган даромад; юридик шахс томонидан унинг муассислари ўртасида тақсимланмаган соф фойданинг ва (ёки) ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойданинг бир қисми; юридик шахс тугатилганда мол-мулкни тақсимлашдан олинган, шунингдек муассис томонидан юридик шахсда иштирок этиш улушини олгандаги даромадлар, бундан муассис устав фондига ҳисса сифатида киритган мол-мулкнинг қиймати чегирилади, тақсимланмаган фойда устав фондиди кўпайтириш учун йўналтирилган тақдирда, юридик шахс акциядорининг, муассисининг қўшимча акциялар қиймати, акциялар номинал қийматининг ошиши, улуш қийматининг ошиши тарзида олинган даромадлари тушунилади.

СКнинг 356-моддасига асосан дивидендлар тарихида олинган ва қайси юридик шахсдан олинган бўлса, ўша юридик шахснинг устав фондига йўналтирилган даромадлар чегириб ташланган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган ялпи тушум солиқ солинадиган база ҳисобланади. Муассислар таркибидан чиқилаётганда ёхуд тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулкни имтиёз қўлланилганидан сўнг бир йил ичида унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланганда илгари солиқ солинадиган базадан чегирилган даромадларга тўлов манбаида умумий асосларда солиқ солинади.

Шу тариқа, 2010 йил 1 январдан бошлаб СКга асосан тақсимланмаган фойда устав фондиди кўпайтириш учун йўналтирилган тақдирда, юридик шахс акциядорининг, муассисининг қўшимча акциялар қиймати, акциялар номинал қийматининг ошиши, улуш қийматининг ошиши тарзида олинган даромадлари, дивиденд кўринишидаги даромадлар деб тавсифланади ва уларга солиқ солинмайди.

Устав капиталини қўшимча акциялар қиймати, акциялар номинал қийматининг ошиши ва улуш (пай, ҳисса) қийматининг ошиши ҳисобига кўпайтириш	
дебет	кредит
8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»	6610 -«Тўланадиган дивидендлар»
6610-«Тўланадиган дивидендлар»	8300-«Устав капитали»

Жавобни экспертими
Фуломжон ТўЛАГАНОВ тайёрлади.



САВДО ДЎКОНИДАГИ ЭНГ КАМ МЕЪЁР ҚАНЧА?

МЧЖ шаклидаги корхонамизнинг Тошкент шаҳрида жойлашган дўконининг савдо майдони 124,2 кв.м ни ташкил этади. Дўконимиз ҳафтада 6 кун 12 соатдан ишлайди (ҳафтада жами 72 соат). Маъмурий ходимларнинг сони 2 нафар (директор ва бухгалтер).

Бизнинг ҳолатимизда ягона ижтимоий тўлов ҳисоб-китобини амалга оширишда қандай меъёрий ҳужжатга таянишимиз лозим. 2012 йил август ойи учун ходимлар сонининг энг кам меъёри ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ойлик энг кам меъёри қандай аниқланади?

**Гавҳар Олимжонова,
МЧЖ таъсисчиси ва раҳбари.
Тошкент шаҳри.**

– Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юривчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом (28.12.2010 йилда АВ томонидан 2173-сон билан рўйхатдан ўтказилган, кейинги ўринларда – 2173-сон Низом) чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш ташкилотлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини белгилайди.

Хусусан, чакана савдо корхоналарида ходимлар сонининг энг кам меъёри савдо майдони ва дўконнинг жойлашган жойидан (шаҳар ёки бошқа аҳоли пункти) келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинади.

Олти кунлик иш ҳафтасининг ҳар кунги иш муддати 12 соатни (ҳафтасига жами 72 соатни) ташкил этган чакана савдо ташкилотларида асосий ходимлар сонининг энг кам меъёри унинг савдо майдонига қараб 21-сон Низомнинг 1-иловасига мувофиқ қуйидагича аниқланади:

Савдо майдони, кв.м	Ходимлар сонининг энг кам меъёри, киши	
	шаҳарларда	бошқа аҳоли пунктларида
25 гача	2	2
26 – 50	3	2
51 – 75	4	3
76 – 100	5	4
101 – 150	7	5
151 – 200	9	6
200 кв.м дан ошган ҳар 50 кв.м га	2	2

*Президентнинг 05.07.2012 йилдаги ПФ-4450-сон Фармонига асосан 1.08.2012 йилдан бошлаб энг кам ойлик иш ҳақи миқдори бир ойга 72 355 сўм миқдоридан белгиланган.

Чакана савдо ташкилотининг иш вақти режими ҳафтасига 72 соатдан ортиб кетса, 2173-сон Низомнинг 5-бандига мувофиқ аниқланган асосий ходимлар сонининг энг кам меъёрига кўпайтириш коэффициенти, агарда 72 соатдан кам бўлса, асосий ходимлар сонининг аниқланган энг кам меъёрига камайитириш коэффициенти (камайитириш коэффициенти 0,8 дан кам бўлмаслиги керак) қўлланилади. Бунда коэффициентнинг миқдори чакана савдо ташкилоти амалдаги иш вақтининг меъёрий иш вақтига нисбатини акс эттиради.

Шунингдек, чакана савдо ташкилотлари маъмурий ва техник ходимларининг сони 2173-сон Низомнинг 3-иловасида келтирилган тавсиялардан фойдаланган ҳолда ва ўриндошликни ҳисобга олиб, мустақил равишда маъмурий ва техник функцияларга бўлган эҳтиёжлардан келиб чиқиб белгиланади.

Агарда раҳбар ёки мулкдор бир вақтнинг ўзида маъмурий ҳамда асосий ходимнинг функцияларини бажарса, унда ушбу ходим асосий ходимлар сонига киритилади.

Чакана савдо ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини ҳисоблаб чиқаришда ташкилотлардаги барча ходимларнинг сони (асосий ходимлар сонининг аниқланган энг кам меъёри ҳамда маъмурий ва техник ходимлар) ҳисобга олинади.

Ўрнатилган меъёрлардан келиб чиқиб, шаҳарда жойлашган савдо залининг майдони 124,2 кв.м бўлган дўконда асосий таркибнинг энг кам сони 7 кишидан ташкил топади.

Демак, сизнинг ҳолатингизда ходимларнинг умумий сони 9 кишини (7+2) ташкил қилади.

Чакана савдо ташкилотларида ойлик меҳнатга ҳақ



тўлаш фондининг энг кам меъёрлари қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$M\text{X}\Phi \min = K\text{X}\text{C} \times T\text{K} \times I\text{X}\text{ЭKM}$$

Бунда:

MXΦ min – меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ойлик энг кам меъёри;

KXC – 2173-сон Низомга кўра аниқланган ташкилотдаги ходимлар сони;

TK – ҳисобланган тариф коэффициенти. 2173-сон Низомга мувофиқ тариф коэффициенти ҳисоблаш учун иш ҳақининг ягона тариф сеткасида (ЯТС) келиб чиққан ҳолда ишнинг ўртача разряди, ташкилотнинг тури ва шаклига қараб табақалаштирилади (дифференциация қилинади).

IXЭKM – белгиланган иш ҳақининг энг кам миқдори.

Чакана савдо корхоналари учун ишнинг ўртача разряди 3 га тенг. Бу разряд, тегишинча, 2,998 ҳисоб-китоб тариф коэффициентига тенг.

Шу тариқа, сизнинг ҳолатингизда энг кам иш ҳақининг миқдори 72 355* сўм бўлганда, савдо дўконингиз меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ойлик энг кам меъёри қуйидагини ташкил этади:

$$M\text{X}\Phi \min = 9 \times 2,998 \times 72\ 355 = 1\ 952\ 282,61 \text{ сўм.}$$

таза

ЭКИҲ ДИНАМИКАСИ

Корхонамиздаги ишлаб чиқариш заруриятдан келиб чиқиб, 2007 йил 1 январдан 2013 йилнинг 1 январигача бўлган давр учун амал қилган энг кам иш ҳақи миқдорлари бўйича маълумотларни билмоқчи эдик. Уларни газетангизда чоп этишингизни илтимос қиламиз.

**Гулхумор Бердиёрова, МЧЖ бош иқтисодчиси.
Кашқадарё вилояти.**

– Маълумки, энг кам иш ҳақи миқдорлари Президентимизнинг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисидаги тегишли фармонлари билан белгилаб берилди. Қуйида ушбу маълумотларни сиз сўраган давр бўйича тақдим этамиз.

Давр	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ЭКИҲ миқдори, ойига сўмда	Президент Фармони
1.11.2006 йилдан	12 420	12.10.2006 йилдаги ПФ-3808-сон
1.08.2007 йилдан	15 525	10.07.2007 йилдаги ПФ-3889-сон
16.11.2007 йилдан	18 630	23.10.2007 йилдаги ПФ-3931-сон
1.04.2008 йилдан	20 865	05.03.2008 йилдаги ПФ-3972-сон
1.09.2008 йилдан	25 040	21.07.2008 йилдаги ПФ-4014-сон
16.11.2008 йилдан	28 040	22.10.2008 йилдаги ПФ-4042-сон
1.08.2009 йилдан	33 645	08.07.2009 йилдаги ПФ-4119-сон
1.12.2009 йилдан	37 680	16.11.2009 йилдаги ПФ-4152-сон
1.08.2010 йилдан	45 215	09.07.2010 йилдаги ПФ-4224-сон
1.12.2010 йилдан	49 735	15.11.2010 йилдаги ПФ-4253-сон
1.08.2011 йилдан	57 200	07.07.2011 йилдаги ПФ-4332-сон
1.12.2011 йилдан	62 920	03.11.2011 йилдаги ПФ-4377-сон
1.08.2012 йилдан	72 355	05.07.2012 йилдаги ПФ-4450-сон
1.12.2012 йилдан	79 590	09.11.2012 йилдаги ПФ-4482-сон

2012 йилда корхонамизда аудиторлик текшируви ўтказилди. Бу текширув жараёнида маҳсулотлар таннархига киритилган 188 минг сўмлик ортиқча ҳисобдан чиқарилган материаллар ва 64,5 минг сўмлик ортиқча ҳисоблаб ёзилган эскириш (амортизация) суммаси аниқланди. Маҳсулотлар тўлиқ сотиб бўлинган. Ушбу ҳолда қандай ЯСТ мажбуриятлари юзага келади ва улар бўйича тузатувчи бухгалтерия ёзувларини киритиш мумкинми?

**Шомансур Тўхтамирзаев,
МЧЖ бош бухгалтери.
Навоий вилояти.**

ТУЗАТУВЧИ БУХГАЛТЕРИЯ ЁЗУВЛАРИНИ КИРИТИШНИНГИЗ МУМКИН

– Ягона солиқ тўлови суммаси ялпи тушумдан ҳисобланишини ҳисобга олган ҳолда материаллар ва эскиришни ҳисобдан чиқариш бўйича хато сизнинг ҳолатингизда корхонада солиқ мажбуриятларини келтириб чиқармайди. Бироқ, у корхонанинг молиявий натижаларини, хусусан тақсимланмаган фойда қолдигини бузиб кўрсатади.

Шу тариқа, 21-сон БҲМСга асосан, бухгалтерия ҳисобида ҳисобот йилида қуйидаги тузатувчи бухгалтерия ёзувларини амалга оширишингиз мумкин:

Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси		Ёзувларини тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
Материаллар қийматини тузатувчи ёзув	188 000	1010	8720	Бухгалтерия маълумотномаси-ҳисоб-китоби, аудиторлик текшируви далолатномаси
Эскириш суммасини тузатувчи ёзув	64 500	0230	8720	Эскиришни ҳисоблаш қайдномаси, аудиторлик текшируви далолатномаси

Жавобларни экспертимиш Фуломжон ТўЛАГАНОВ тайёрлади.

ЧЕГИРИЛАДИГАН ХАРАЖАТГА ҚҚС ҲИСОБЛАНМАЙДИ

Корхонамизнинг асосий фаолияти автотранспорт воситасида йўловчиларни ташиш ҳисобланиб, биз умумбелгиланган солиқларни тўлаймиз. Корхонамиздаги автотранспортларнинг аксарият қисмини ҳайдовчиларнинг шахсий автомашиналари ташкил қилиб, уларнинг лицензия, йиғим ҳамда суғурта харажатлари корхона ҳисобидан тўланади.

Солиқ кодексининг 208-моддаси 1-бандида юридик ва жисмоний шахсларга муайян ҳуқуқлар берилганда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган, давлат божи, патент божи, йиғим ёки бошқа тўловлар ундириладиган хизматларга ҚҚС тўлаш бўйича имтиёз берилиши белгиланган.

Шу имтиёзлар бизнинг корхонамизга ҳам тааллуқлими? Бу имтиёзлардан асосан кимлар фойдаланиши мумкин?

А.Хусанов,

«Феруз» МЧЖ таъсисчилари раиси.

– Тўғри, Солиқ кодексининг (СК) 208-моддасида сиз айтган имтиёзлар белгиланган. Лекин бу модда қоидаларини сизнинг ташкилотингизга нисбатан қўллаб бўлмайди. Чунки унда айнан давлат божи, патент божи, йиғим ёки бошқа тўловлар ундириладиган давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ваколатли ташкилотлар кўрсатилган бўлиб, сизнинг корхонангиз улар қаторига кирмайди.

Бинобарин, СКнинг 197-моддасига асосан солиқ солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ҚҚС тўловчилари ҳисобланадилар.

Солиқ солинадиган оборот солиқ солиш объекти ҳисобланади. Бунда мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, шу жумладан, товарни ва бошқа мол-мулкни жўнатиш (сотиш), мол-мулкни бепул бериш (иш-

ларни бепул бажариш, хизматларни бепул кўрсатиш) товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти деб эътироф этилади.

Маълумки, солиқ тўловчининг товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти солиқ солинадиган оборот ҳисобланади (бундан СКнинг 208–210-моддаларига мувофиқ ҚҚСдан озод қилинган оборотлар мустасно).

Сизнинг фаолиятингизда корхонадаги ходимлар билан шартнома тузган ҳолда уларнинг шахсий автомобилларидан фойдаланилади ва корхона ўз фаолиятида айнан шу автомобиллардан фойдаланиш мақсадида улар учун тегишли лицензия ва давлат божлари ҳақини тўлайди. Тушунишимизча, ушбу ҳолат корхонанинг реализация қилиш оборотига кириш ёки кирмаслигига аниқлик киритмоқчисиз.

Бу ерда шунга эътибор қаратиш керакки, корхона жисмоний

шахсларнинг фойдаси учун эмас, балки айнан ўз фаолиятини юритиш учун лицензия ва давлат божларига харажат қилади. Автомобилнинг эгаси эса корхонанинг ходими сифатида лицензияланган автомобиль ҳайдовчиси ҳисобланади, холос.

СКнинг 141-моддасига асосан ваколатли ташкилотлар томонидан муайян ҳуқуқлар ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни беришни назарда тутувчи ҳужжатларни берганлик учун йиғимлар, божлар ва бошқа тўловлар бўйича харажатлар, шунингдек товарларни (ишларни, хизматларни) экспертизадан ўтказиш ҳамда маҳсулотни сертификатлаштириш билан боғлиқ харажатлар корхонанинг бошқа харажатлари ҳисобланиб, корхонанинг чегириладиган харажатлари гуруҳига кирилади. Бундай харажатлар эса ҚҚС бўйича солиқ солинадиган оборот бўлмайди ва улар учун ҳеч қандай ҚҚС ҳисобланмайди.

Корхонамиз юк ташиш фаолияти билан шуғулланади. Автомобилларимизга газ қуйиш шохобчалари билан тузилган шартномага асосан пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилиб, сиқилган газ харид қиламиз.

2012 йилнинг май ойида «Авто Газ Зафар» МЧЖ бизга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.12.2010 йилдаги ПҚ-1449-сон қарорига асосан қайта ҳисоб-китоб қилиб, 2011 йил давомида етказиб берган ҳар бир куб метр газ қийматида қўшимча 175 сўмдан истеъмол солиғи ҳисоблади.

Биз бу тўловни тўлашга бугунлай қаршимиз ёки «Авто Газ Зафар» МЧЖнинг талаби тўғрими?

Л.Ли,

«Сарбон» МЧЖ бош бухгалтери.

ҲАМКОРИНГИЗНИНГ ТАЛАБИ АСОССИЗ

– Солиқ кодексининг (СК) XIV бўлими билан жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ белгиланган. Хусусан СКнинг 301-моддасида ушбу солиқнинг тўловчилари бўлиб жисмоний шахсларга транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газни чакана реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслар ҳисобланиши белгиланган.

Солиқ солинадиган база сифатида газнинг натура ҳолидаги реализация қилинган ҳажми олинади.

Шунингдек, ПҚ-1449-сон қарорнинг 21-иловасига изоҳда юридик шахсларга чакана нархларда чакана савдо тармоғи (автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари) орқали бензин, дизель ёқилғиси ва газ сотишда чакана нархда ҳисобланадиган жисмоний шахслардан бензин, дизель ёқилғиси ва транспорт воситалари учун газ истеъмолига олинадиган солиқ қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бюджетга тўланиши белгилаб қўйилган.

Бунда СКнинг 304-моддасида жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқил-

ғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммаси чакана нархга қўшимча равишда белгиланиши ҳамда реализация қилинаётган бензин, дизель ёқилғиси ва газ учун маблагларни олиш билан бир вақтда ундирилиши белгиланган.

Бундан келиб чиқадики, агар 2011 йил давомида «Авто Газ Зафар» МЧЖ томонидан реализация қилинган сиқилган газ сизнинг ташкилотингизга чакана нархлар бўйича сотилган бўлса, у ҳолда газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ сиздан газ учун маблагларни олиш билан бир вақтда ундирилган ҳисобланади ва бу солиқларни бюджетга тўлаб бериш «Авто Газ Зафар» МЧЖ зиммасига юклатилади. Бунда газ реализация қилган ташкилотнинг сиздан ҳар бир куб метр газ қийматида қўшимча 175 сўмдан истеъмол солиғини талаб қилиши асоссиздир.

Агар реализация қилинган сиқилган газ сизнинг ташкилотингизга 2011 йил давомида чакана нархлардан паст нархда сотилган бўлса, у ҳолда уни реализация қилган корхонанинг ўзида ҳам газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни тўлаш мажбурияти юзага келмайди.

ДАРОМАД СОЛИҒИНИНГ МИНИМАЛ СТАВКАСИ УЧУН АСОС КЕРАК

Биз технологик ва махсус техникани ишлатиш орқали хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошираемиз.

Жамият идораси ҳамда гаражларининг деярли барчаси Марҳамат туманининг Полвонтош кўрғонида, Булоқбоши туманининг Нефтепром кўрғонида ва Жалолқудуқ туманининг Жанубий Аламушук кўрғонидаги табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойлар (баланд тоғли, адирликлар ва сувсиз ерлар)да жойлашган. Шу сабабли у ерда ишловчи ишчи ходимлар қўшимча иш ҳақларига даромад солиғи ҳисобланишида туман коэффициенти меъёрлари қўлланиб минимал шкала бўйича даромад солиғи ҳисобланган.

Солиқ идораси ходимлари режали текшириш ўтказишганда биздан туман коэффициенти бўйича даромад солиғи ҳисоблашимизга асос сўрашди ва биз Солиқ кодексининг 174 ва 181-моддаларини ҳамда юқори таш-

– Тўғри, ноқулай табиий-иқлим шароитига эга жойларда (баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда) ишлаганлик учун туман коэффициенти бўйича тўловлар амалга оширилади. Коэффициент миқдорини республика ҳукумати ҳар бир туман учун алоҳида (айрим ҳолларда корхона фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда) белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 153-моддаси 4-бандида табиий иқлим ва турмуш шароитлари ноқулай бўлган жойларда меҳнат ҳақига туман коэффицентлари ва устамалар белгиланиши кўзда тутилган.

Шунингдек, туман коэффицентлари ва устамалар жорий қилинадиган жойларнинг рўйхати, уларни қўлланиш тартиби ва мик-

дори республика ҳукумати томонидан белгиланади.

Шундан келиб чиқиб, бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудларда ташкил этилаётган юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божларини ундириш, шунингдек мазкур аҳоли пунктларида ўз фаолиятларини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган ягона солиқ тўловининг табақалашган тизимини қўллаш Аҳоли пунктларини бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудлар таркибига киритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномада (АВ томонидан 2008 йил 11 ноябрда 1868-сон билан рўйхатдан ўтказилган, кейинги ўринларда 1868-сон йўриқнома) белгиланган.

1868-сон йўриқноманин 1-бандига асо-

килотимиз тасдиқлаган мансаб жадвалини тақдим қилдик.

Лекин текширувчилар бизга 174-моддадаги табиий иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойлардаги ишлар билан боғлиқ қўшимча тўловлар (иш стажини учун устамалар, баланд тоғли, чул ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун белгиланган коэффицентлар бўйича тўловлар) фақат Навоий вилояти ва «Дўрмон-Қайнарсой» комплексларига тегишли эканини айтишди.

Жамиятимиз идораси ҳамда гаражларининг жойлашган ҳудудлари табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган зоналар рўйхатига кирадими ёки йўқми?

Жамият ходимларига СКнинг 181-моддасига асосан минимал ставкада даромад солиғи ҳисобласак бўладими?

Ж.Давронова,

«Хўжаобод ТТБ» ОАЖ бош бухгалтери.

сан қуйидаги қишлоқ аҳоли пунктлари бориш қийин бўлган ҳудудлар таркибига киритилган:

– яқин жойлашган туман марказлари ва шаҳар чегараларидан 50 километрдан ортиқ масофада жойлашган ҳудудлар;

– 1868-сон йўриқноманин 1-иловасида кўрсатилган туманлар чегарасида жойлашган ҳудудлар.

– 1868-сон йўриқноманин 2-иловасида кўрсатилган туманлар чегарасидаги денгиз сатҳидан 1000 метр баландликдаги зоналарда жойлашган қишлоқ аҳоли пунктлари тоғли ҳудудларда жойлашган ҳисобланади.

Сизнинг хатингизда кўрсатилган манзиллар 1868-сон йўриқноманин иккала иловасида ҳам кўрсатилмаган.

Агар сиз кўрсатган манзиллар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ноқу-

лай табиий иқлим шароитига эга жойлар деб тан олинса, ёхуд 1868-сон йўриқномага асосан яқин жойлашган туман марказлари ва шаҳар чегараларидан 50 километрдан ортиқ масофада жойлашган ҳудудлар сирасига кирган тақдирда у ерда ишлаганлик учун туман коэффицентини бўйича тўловлар амалга оширишингиз имконияти юзага келади.

Бунда аҳоли пунктларининг узоқлигини аниқлашда, масофаси яқин жойлашган туман маркази ёки шаҳар чегарасидан то қишлоқ, шаҳарча ва овул чегарасигача бўлган энг яқин автомобиль йўллари бўйлаб ҳисобланган масофа қабул қилинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жамият ходимлари даромадларига умумбелгиланган тартибдаги шкала бўйича даромад солиғи ҳисоблашингиз тўғри бўлади.

Жавобларни экспертизаси Мурод МУҲАММАДЖОНОВ тайёрлади.

Паспорт билан ҳаёт йўлларида

БИОМЕТРИК ЯНГИЛИК

Мен Ўзбекистон фуқаросиман, аёлим эса Россия фуқароси. Ўғлимиз 2010 йили Тошкентда туғилган ва Ўзбекистонда берилган туғилганлик гувоҳномасига эга. Россиядаги қариндошларим олдида бориб келиш учун биз унинг фотосуратини аёлимнинг паспортига ёпиштиришни мўлжаллаган эдик. РФнинг Ўзбекистондаги элчихонасида бизга тушунтиришларича, аёлим фарзандимизни РФга олиб бориш ҳуқуқини олиши учун ўғилга РФ фуқаролигини расмийлаштириш лозим экан.

Агар биз ўғлимизга ЎЗР фуқаросининг биометрик паспортини расмийлаштирсак; мен, боланинг отаси, ўғлимни республикадан ташқарига олиб чиқишга нотариал тасдиқланган розилик берсам, аёлим ўғлини Ўзбекистондан ташқарига олиб чиқиши мумкинми?

А.Ҳамдамов.

– Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини ва 16 ёшга тўлмаган шахслар учун фу-

Мнинг 7.07.2011 йилдаги 200-сон қарорига 1-илова.



қаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатлиниш ҳужжатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга¹ (бундан кейин 200-сон Низом) мувофиқ сизнинг муаммоингизни ҳал этиш учун ўғлингизга Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини расмийлаштириш, ўғлингизни Ўзбекистондан ташқарига олиб чиқишга нотариал тасдиқланган розилигингиз ва аёлингизнинг ўғилни кузатиб бориш мажбуриятини тақдим этиш зарур.

Мен 18 ёшданман. «Тошкент» аэропортида хорижга чиқишим учун отамнинг рухсатномаси йўқлиги туфайли мени хорижга чиқаришмади, ҳолбуки ёнимда онам бор эди, у мен билан бирга кетаётган эди. Бу қонунийми?

А.Никонов.

– 200-сон Низомга мувофиқ 18 ёшдаги ва ундан катта шахсларга хорижга чиқиш учун ота-онанинг розилиги талаб қилинмайди. Фуқаролик ишлари бўйича судга сизларнинг хорижга чиқишингизга тўсқинлик қилган ходимларнинг ҳаракатлари тўғрисида ариза ва сизга етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашлари тўғрисида даъво билан мурожаат қилишингизни тавсия қиламиз.



Санжар ХҲЖААҲМЕДОВ, экспертимиш.

НИКОҲ ТУЗИШ ШАРТЛАРИНИ БИЛГАН ЯХШИ

Йигитим билан турмуш қурмоқчиман. У вояга етган, мен эса йўқ (17 ёшданман). Биз турли шаҳарларда пропискадан ўтганмиз (мен – Навоийда, у эса – Самарқандда).

Никоҳимизни Тошкентда рўйхатдан ўтказиш олаимизми? Қанча ёшдан никоҳга кириш мумкин? Никоҳни рўйхатдан ўтказиш учун нималарни билиш керак?

Фарида.

Никоҳ тузиш тартиби ва шартлари Оила кодекси ва Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларида¹ назарда тутилган. Никоҳни қайд этиш никоҳланувчи шахслардан бирининг яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органлари томонидан амалга оширилади. Диний удум бўйича амалга оширилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас. Никоҳланувчилардан бири бетоблиги сабабли ФХДЁ органига кела олмаган истисно ҳолларда никоҳ шифохонада, уйда ёки бошқа тегишли жойда никоҳланувчи иккала шахсларнинг иштирокида амалга оширилади.

но тарикасида отаси ёки онасининг ёзма аризасига кўра никоҳ ота-онанинг ёки улардан бирининг яшаш жойидаги ФХДЁ органида ҳам қайд этилиши мумкин.

Ўзбекистонда никоҳланиш ёши эркаклар учун – 18 ёш, аёллар учун – 17 ёш қилиб белгиланган. Яъни сиз вояга етмаган бўлмасангиз ҳам эрга тегишингиз мумкин.

Вояга етгунча қонуний никоҳланган фуқаро у рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб тўлиқ лаёқатли бўлади. Никоҳ 18 ёшга тўлишга қадар бекор қилинган тақдирда ҳам бундай лаёқат сақланиб қолади.

Алоҳида ҳолларда (ҳомилдорлик, боланинг туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва ҳ.к.) никоҳ ариза берилган кунда рўйхатдан ўтказилиши мумкин. Бундай вазиятларда никоҳдан ўтувчилар узрли сабабларни тасдиқловчи ҳужжатларни ёки алоҳида ҳолатлар, масалан, тиббиёт муассасасининг келиннинг ҳомилдорлиги тўғрисидаги маълумотномаси, куёвнинг хизмат сафари тўғрисидаги гувоҳномаси ва ҳ.к. тақдим этишлари шарт.

Тантанали никоҳ фақат никоҳ тузувчиларнинг хоҳишларига кўра, уларнинг қариндошлари, танишлари иштирокида қайд этилади. Никоҳни қайд этишда гувоҳларнинг сони икки кишидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Никоҳга кириш ҳақидаги аризани беришда шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар (паспорт, ҳарбий билет, офицер ёки прапоршчикнинг шахсий гувоҳномаси) кўрсатилиши керак. Илгари никоҳда бўлган шахс аввалги никоҳи бекор қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этиши керак. Бу – никоҳнинг бекор қилинганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки суд қарори, эрнинг (хотиннинг) ўлими ҳақидаги гувоҳнома ёхуд суднинг никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги ҳақидаги қарори бўлиши мумкин.

ФХДЁда никоҳланувчи шахсларга руҳий, наркологик, венерик касалликлар, сил ва ОИВ/ОИТСга тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланма берилади². Куёв ва келин никоҳдан ўтгунча бир-бирларини тиббий кўрик натижалари ҳақида хабардор қилишлари керак. ФХДЁ органлари никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтганлигига ҳамда ушбу текширувларнинг натижалари тўғрисида уларнинг хабардор эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Никоҳни қайд этганлик учун энг кам



иш ҳақининг 20%и миқдориди давлат божи ундирилади.

Никоҳланувчилар ўз хоҳишларига кўра иккаласидан бирининг фамилиясини умумий фамилия сифатида танлашлари ёки ўзларининг никоҳгача бўлган фамилияларида қолишлари мумкин.

Эр ва хотиннинг паспортларига ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларига штамп қўйилади ва никоҳнинг тузилган вақти ва жойи, далолатнома ёзуви рақами, эр (хотин)нинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили ёзиб қўйилади.

Қуйидагилар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди:

- 1) лоақал биттаси қайд қилинган бошқа никоҳда турган шахслар;
- 2) насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғилган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар;
- 3) лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар.

Ахтам ҲИҚМАТОВ, адвокат.

Маълумот учун: Россия, Қозоғистон, Беларусь, Туркменистонда никоҳланиш учун зарур ёш – 18 ёшни, Тожикистонда – 17 ёшни ташкил этади. Украинада у бизнинг қоидага ўхшаш. Энг юқори ёш минимуми Хитойда белгиланган – эркаклар учун 22 ёш ва аёллар учун – 20 ёш.

Агар никоҳ тузишни хоҳловчи ҳарбий хизматчи никоҳга кириш ҳақидаги аризани хизматни ўтаётган жойида берса, тегишли ҳарбий қисм ёки муассаса жойлашган манзил ҳарбий хизматчининг яшаш жойи ҳисобланади.

Агар никоҳ тузаётган ёшлар ва уларнинг ота-онаси Ўзбекистон Республикасининг турли вилоят ёки туман (шаҳар)ларида яшаб турган бўлсалар, истис-

Никоҳдан ўтиш учун сиз бу тўғрисида яшаш жойингиздаги ФХДЁ органига ариза билан мурожаат этган кундан 1 ой ўтгач никоҳ қайд этилади. Никоҳни қайд этиш фақат никоҳланувчи шахсларнинг иштирокида амалга оширилади. ФХДЁ органи мудири узрли сабаблар бўлганда ва аризачиларнинг илтимосларига кўра бир ойлик муддатни қисқартириши мумкин.

¹ВМнинг 12.04.1999 йилдаги 171-сон қарорига 1-илова.

²Никоҳланаётган шахслар давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббий кўрикдан бепул ўтадилар. 50 ёшдан ошган шахслар уларнинг розилиги билан тиббий кўрикдан ўтадилар.

ЭНДИ ФАМИЛИЯМ БОШҚА

Мен турмушга чиқдим ва эримнинг фамилиясига ўтдим. Бундан ўзим ишлаётган корхонани хабардор қилишим керакми? Корхона менинг фамилиям ўзгарганлиги боис меҳнат дафтарчам ва меҳнат шартномасига тегишли ўзгартиришлар киритиши шартми?

Марина.

– Ҳа, фамилия, исм-шарифингиз ўзгарганда сиз бундан ўзингиз ишлаётган корхонани хабардор қилиб, сизнинг ҳисобга олинган кадр ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида ариза беришингиз керак. Унга асосан иш берувчи тегишли буйруқ чиқариши керак.

Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқноманинг¹ 2.11-банди меҳнат дафтарчасида ходимнинг фамилияси, исми-шарифи тўғрисидаги маълумотларни ўзгартириш тартибини белгилайди. Унга кўра меҳнат дафтарчасидаги шахсий маълумотлар тўғрисидаги ёзувларга ўзгартиришлар тегишли ҳужжатлар (паспорти, туғилганлик, никоҳ ва никоҳнинг бекор қили-

ниши ҳақидаги гувоҳномага қараб фамилиясини, исмини ўзгартириш ва ҳоказолар) асосида ва ушбу ҳужжатларнинг сони ва берилган саналарига ҳавола қилинган тарзда охириги иш жойидаги иш берувчи томонидан киритилади. Ходим, иш берувчи меҳнат дафтарчасидаги ёзувларни ўзгартириш шарт бўлган ҳужжатларнинг асл нусхаларини тақдим этиши керак.

Бу ўзгартиришлар меҳнат дафтарчасининг биринчи бетига киритилади. Илгариги фамилияси, исми, отасининг исми ёки туғилган куни тўғрисидаги ёзув устидан бир чизиқ чизилиб, янги маълумотлар ёзиб қўйилади. Тегишли ҳужжатларга ҳаволалар муқованинг ичкари бетига ёзилиб, корхона раҳбарининг ёки унинг томонидан махсус ваколат берилган шахс имзоси ҳамда корхона ёки ходимлар бўлими муҳри билан тасдиқланади. Ходимларнинг маълумоти, касби, ихтисослиги ва ҳоказолар бўйича ўзгартиришлар ҳам худди шу тартибда амалга оширилади.

Янги намунадаги меҳнат дафтарчаларида ўзгарган фамилияни аввалгисининг устидан кўрсатиб,

эскисига битта чизиқ чизилади.

1975 йил намунасидаги меҳнат дафтарчаларида, мазкур реквизитларни тўлдириш учун махсус назарда тутилган икки бўш устун мавжудлигида, янги фамилияни аввалгисининг тагига ёзиб, эскисига чизиқ чизилади.

Кўрсатилган Йўриқноманинг 2.1-бандига кўра меҳнат дафтарчалари Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида, Қорақалпоғистон Республикасида эса қорақалпоқ ёки Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида иш берувчи томонидан ходимнинг иштирокида тўлдирилади.

Меҳнат шартномасига ўзгартиришлар киритишга келсак, меҳнат шартномаси – ходим билан иш берувчи ўртасидаги битимлигини таъкидлаймиз, шу сабабли иш берувчи унга сизнинг маълумотларингизга таллуқли бўлган бирор-бир ўзгартиришларни бир тарафлама тартибда кирита олмайди. Баъзан фамилия ўзгарганда меҳнат шартномасига қўшимча битим тузилади, ҳолбуки бундай қилиш мажбурий эмас, чунки меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ходимнинг фамилияси (исми) ўзгарган тақдирда, меҳнат шартномасини ўзгартириш хусусида тўғридан-тўғри кўрсатмалар мавжуд эмас.

Ленара ХИКМАТОВА,
юрист.

¹Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

ШАХСИЙ КАРТОЧКА ҚАТЪИЯН МАЖБУРИЙ

Мен бошловчи бухгалтерман. Раҳбар эса менга кадрлар бўлимини юритишни ҳам топширди. Яқинда у ишга янги ходимни қабул қилиб, унга шахсий карточка тўлдиришимни топширди. Мен эса бунинг қандай ҳужжатлигини билмайман. Шу сабабли бир нечта саволга жавоб беришингизни сўрайман.

Шахсий карточка қандай ҳужжат билан тасдиқланган? Барча иш берувчилар Т-2 карточкасини юритишлари керакми?

Ходимга Т-2 карточкасини айнан қачон юритиш керак?

Нигина.

– Т-2 шакли – шахсий варақ (карточка) **Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқномага¹** 4-иловада келтирилган.

Т-2 шаклини юритиш талаби мулкчилик шакли ва хўжалик фаолиятдан қатъи назар, барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга татбиқ этилади (Йўриқноманинг 2.3, 3.1-бандлари).

Шахсий карточкани ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ (фармойиш) чиқарилгандан кейин дарҳол тўлдириш тавсия қилинади, чунки ходимни ишга қабул қилиш тўғрисида унинг меҳнат дафтарчасидаги ёзув бир вақтнинг ўзида Т-2 шаклида такрорланиши керак (Йўриқноманинг 2.3-банди).

Ўлса

¹Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

ШАРТНОМАСИЗ, ҲЕЧ ҚАНДАЙ СИНОВ МУДДАТИ БЕЛГИЛАНМАЙДИ

Асосий ходим болани парвариш қилиш таътили вақтига унинг ўрнида ишлашга рафикамни қабул қилишди. Буйруқда 3 ойлик синов муддати белгиланди. Бироқ меҳнат шартномасида ушбу шартлар қайд этилмаган. Бу қанчалик тўғри?

К.Рустамов. Тошкент шахри.

– Бундай қилиш тўғри эмас.

Меҳнат кодекси 84-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ **дастлабки синовни ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши лозим.** Бундай шартлашув бўлмаган тақдирда ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган деб ҳисобланади. Мазкур меъёр қатъий меъёр ҳисобланиб, уни кенгайтирилган ҳолда талқин қилишга йўл қўйилмайди.

Мазкур модданинг мазмунидан келиб чиқадиги, агар синов муддати тўғрисидаги шарт меҳнат шартномасида ёзма равишда қайд этилмаган бўлса, демак, хотинингиз иш берувчи билан мазкур масала бўйича

келишмаган. У синов муддатисиз ишга қабул қилинган деб ҳисобланади ва иш берувчи у билан меҳнат шартномасини синовдан ўтмаган сифатида бекор қила олмайди.

Шуни эслатиш лозимки, ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар ишга қабул қилинганда, шунингдек 6 ойгача муддатга ишга қабул қилиш ҳақида ходимлар билан меҳнат шартномаси (муддатли) тузилганда **дастлабки синов белгиланмайди** (МК 84-моддасининг учинчи қисми).

Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ,
эксперт-юристимиз.

Реклама

“AMIR-AUDIT” МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.
Ушбу АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

Ўзбекистон Республикасидаги барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказиши

Малака сертификатли аудиторларни ишга қабул қиламиз

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиши

Тел.: (+99890) 187-04-68, (+99890) 644-62-23, 296-55-78; факс (8371) 296-52-15

Эълонлар

<p>СОТИЛАДИ</p> <p>Совуткич камера 3600 м³. 1 йилда ўзини оқлайди (850 000)*. Тел.: 926-32-23.</p>	<p>Сервис маркази. Принтерлар, компьютерлар, мониторларни таъмирлаш, картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел. 996-77-87.</p>
<p>АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ</p> <p>Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел. (+998 90) 370-63-06.</p>	<p>Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.</p>
<p>ХИЗМАТЛАР</p> <p>Юкларни божхонадан ўтказиш, БЮДни расмийлаштириш. Тел.: 809-26-11, 233-33-26.</p>	<p>Солиқ органига, туман статистика бўлимига, Халқ банкига топширилган электрон ҳисоботлар учун дастурларни ўрнатиш, созилаш. Тел. 963-89-58.</p>
<p>Дарвозалар, тўсиқлар, панжараларни жимжамдор қилиб яшаш. Арзон. www.golden-kovka.uz. Тел. (+998 90) 955-68-02.</p>	<p>*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.</p>

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ “Norma Namkor” МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди. Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас. «Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Норма» газеталари бирлашган таҳририяти МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида “TOPPRINT” МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 709 Адади 2 026. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2013 йил 7 январда соат 16.15 да топширилди.
ISSN 2010-5223